



ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ФУЦИС®

Препаратнинг савдо номи: : Фуцис®

Таъсир этувчи модда (ХПН): флуконазол

Дори шакли: сиртга қўллаш учун гель

Таркиби:

Хар бир г гель куйидагиларни сақлайди:

фаол модда: 5,0 мг флуконазол;

ёрдამчи моддалар: карбомер, пропиленгликоль, полисорбат 80, 2-октилдодеканол, бензил спирти, Delite ароматизатори, натрий гидроксид ва тозаланган сув.

Таърифи: рангсиз, шаффоф ёки шаффоф бўлмаган силлиқ бир хир таркибли, ўзига хос ҳидли гель.

Фармакотерапевтик гуруҳи: сиртга қўллаш учун замбуруғларга қарши препаратлар, имидазол ва триазол ҳосилалари.

АТХ коди: D01AC15

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Флуконазол – бу *Candida spp.* (шу жумладан иммун тизими заиф бўлган ҳайвонларда тизимли кандидоз), *Cryptococcus neoformans* (шу жумладан бош миядаги инфекциялар), *Microsporium spp.* ва *Trichophyton spp.* каби замбуруғли инфекцияларга қарши фаол эканлиги исботланган, замбуруғ хужайраларидаги стерол синтезининг кучли ва ўзига хос ингибитори бўлган, триазоллар синфига мансуб замбуруғларга қарши фаол янги авлод дори воситасидир. Сиртга қўлланилганда замбуруғ инфекцияларининг кенг доирасига қарши таъсирга эга. Дерматофитлар ва ачитқи замбуруғларга қарши фаол эканлиги исботланган. Флуконазол замбуруғлардаги цитохром P₄₅₀ ферменти учун юқори ўзига хос таъсирга эга. Унинг таъсир механизми ланостеролни замбуруғ хужайра мембранасининг бир қисми бўлган стеролга, яъни эргостеролга айлантириш учун масъул бўлган С14-деметилаза ферментини ингибирлашдан иборат.

Фуцис® гель препарати устида олиб борилган фармакокинетик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, флуконазолнинг плазмадаги даражаси шунчалик пастки, препаратнинг тизимли таъсирини истисно қилиш мумкин.

Фармакокинетикаси

Болаларда Фуцис® гели билан фармакокинетик тадқиқотлар ўтказилмаган, аммо катталарда ўтказилган тадқиқот маълумотлари, препаратнинг тизимли сингиши жуда кам эканлигини кўрсатган.

Препаратнинг фототоксиклигини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотларда Фуцис® гелининг инсон териси томонидан яхши ўзлаштирилиши ва фототоксиклиги йўқлиги кўрсатилган.

Қўлланилиши

Дерматофитлар ва ачитқи замбуруғлари, шу жумладан *Tinea pedis*, *Tinea corporis*, *Tinea cruris*, *Tinea versicolor*, шунингдек *Candida* кўзгатадиган дерматомикозларни даволаш учун қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Препарат кунига бир марта зарарланган тери худудига ва унга ёндош соха терисига юмшоқ массаж ҳаракатлари билан суртилади. Гелни ички қисмларга озгина миқдорда суртиш ва мацерациянинг олдини олиш учун яхшилаб суртиш керак.

Фойдаланиш давомийлиги юқумли қўзғатувчининг этиологиясига боғлиқ, аммо аксарият ҳолларда даволанишнинг 1-3 ҳафталиги одатда беморларнинг соғайиши учун етарли бўлади. Баъзи ҳолларда чидамли штаммларни даволаш муддати 6 ҳафтагача чўзилиши мумкин. Даволашнинг давомийлигини шифокор белгилайди.

Ножўя таъсирлари

Препаратни савдога чиқаришдан олдин ўтказилган клиник тадқиқотларда камдан-кам ҳолларда терида енгил қитиқланиш хоссаси юзага келганлиги кўрсатилган. Дори воситаларининг маҳаллий, айниқса узоқ муддатли қўлланилиши сезувчанлик феноменининг ривожланиш хавфини ошириши ва ножўя таъсирларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай ҳолатда даволанишни тўхтатиш ва тегишли терапияни бошлаш керак.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Флуконазолга, дори воситасининг таркибий қисмларига ёки кимёвий тузилиши жиҳатидан флуконазолга ўхшаш бошқа азолларга юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Дори воситаларининг ўзаро таъсири ёки бошқа дорилар билан мос келмаслиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Флуконазол гелнинг бошқа дорилар билан ўзаро таъсирини аниқлаш бўйича махсус тадқиқотлар ўтказилмаган. Сиртга қўллаш учун бошқа дорилар билан бир вақтда фойдаланиш тавсия этилмайди.

Махсус кўрсатмалар

Ташқи фойдаланиш учун препаратларни қўллаш ва айниқса улардан узоқ муддатли фойдаланиш, жумладан Фуцис® гел дори воситаси, сезувчанликнинг ортишига ва ножўя таъсирларга олиб келиши мумкин.

Фуцис® гел офтальмологияда қўлланилмайди.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши

Ҳомиладорлик ва лактация даврида препаратни фақат она учун кутилаётган фойдаси ҳомила ёки бола учун мумкин бўлган хавфдан юқори бўлсагина қўлланилиши керак.

Транспорт воситаларини бошқариш ёки механизмлар билан ишлаш қобилиятига таъсири

Таъсир қилмайди.

Дозани ошириб юборилиши

Дозанинг ошиб кетиш ҳолатлари қайд этилмаган.

Чиқарилиш шакли

30 г гел ламинацияланган тубаларда Ҳар бир туба тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон ўрамда.

Сақлаш шароити

Куруқ, ёруғликдан химояланган жойда 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин. Музлатилмасин!

Яроқлилик муддати

3 йил.

Яроқлилик муддати ўтгандан кейин қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

рецепт бўйича.

Ишлаб чиқарувчи

Kusum Healthcare Pvt. Ltd.

Манзил

SP-289(A), RIICO Industrial Area, Chopanki, Bhiwadi, Dist. Alwar (Rajasthan), Ҳиндистон

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситасини сифати бўйича эътирозларни (таклифлар) қабул қилувчи ташкилотни номи ва манзили:

“BARAKA DORI FARM” МЧЖ ХК

100022, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Халқа Йўли кўчаси, 91-уй.

Тел.: +(99878) 150-97-97; факс: +(99878) 150-97-87

Уяли тел.: +(99893) 388-87-82

E-mail: pv@kusum.uz

Web-сайт: kusum.uz